



## АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД – МАЊНАВИЯТНИНГ НОЁБ ГАВҲАРИ

**Элов Жобир Рустамович**

*Осиё Халқаро Университети магистранти*

**Аннотатсия:** Уибу мақола Имом Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» китоби ҳақида кенг мушиоҳада юритилган. Шу ўринда асардаги ҳадисларга шарҳ берилган ва ҳозирги замонда ёшлар тарбиясида алонида ўринда турувчи одатлар ғақида насиҳатлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** «Ал-адаб ал-муфрад», ҳадислар, ислом, ишонч, одоб ва ахлоқ, мањнавият, маърифат.

Ўн беш асрдан буён инсоният томонидан дастурул амал бўлиб келаётган Ислом динининг биринчи манбаси шубҳасиз Қуръони каримдир. Қуръони каримдан кейинги манба эса Ҳадиси шариф ҳисобланади. Қуръони карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотидан кейин кўп ўтмай Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифалик даврида олим ва қори саҳобалар томонидан жамланиб, яхлит ҳолатга келтирилди ва бу иш бутунлай тамомига етди.

Аммо Ҳадиси шариф эса саҳобаларнинг ҳифз ва зеҳнларида қолди ва улар орқали Ислом дини ҳукм сурган ўлкаларга тарқалиб кетди. Ҳар бир шаҳардаги саҳоба ўзи эшитган Ҳадисларни шогирдларига етказар эди. Ҳадис илми тобеъин ва табаъа тобеъинлар даврида ҳам шу тариқа давом этди. Кейинчалик ҳадисларни тўплаш одат тусига кира бошлади. Лекин Ҳадиснинг қамрови кенгайиб юз минглаб туруклар пайдо бўлган эди. Ҳар бир муҳаддис қудрати етганча Ҳадис ёд олар эди, аммо барча Ҳадисни қамраб олиш имконсиз эди. Ҳадис тўплаган алломалардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870/194-256) томонидан тўплаб тартибга келтирилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари олдинги ва кейинги даврларнинг энг ишончли асари деб эътироф этилди ва Бухорий ҳазратлари тўплаган Ҳадислар биринчи ўринда келтириладиган ҳужжатга айланди ва у киши “Амирул ҳадис” унвонига сазовор бўлди. Имом Бухорийдан кейин ҳам Имом Муслим, Имом Термизий каби муҳаддислар томонидан Ҳадис тўпламлари тузилди ва бу тўпламлар “Сиҳоҳи сittta” ва “Сиҳоҳи тисъа” каби номлар билан аталар эди. Муҳаддислар орасида ўзига хос мактабга асос солган Имом Бухорий асарлари энг мўътабар ҳисобланади.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағир», «Ат-таърих ал-авсат», «Ат-таърих ал-қабир», «Китоб ал-илал», «Биррул-волидайн», «Асомус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

1974 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташаббуси билан жумҳуриятимизда бутун ислом дунёси вакиллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилейи нишонланган эди. У нинг шоҳ асарлари



ҳисобланмиш «Ал-Жомеъ ас-саҳих» ва «Ал-адаб ал-муфрад» китоблари Тошкентда қайтадан нашр қилиниши ал-Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкентдаги диний олий маъҳаднинг Имом ал-Бухорий номи билан аталиши бундан ўн икки аср муқаддам илм-фан йўлида бекиёс катта хизмат қилган буюк олимга чуқур ҳурмат-эътиборнинг рамзидир.

Имом Бухорий машҳур «Жомеъус-саҳих» китобларида ҳам «Китобул адаб» деган қисм очиб, унинг ичида одоб-ахлоққа оид ҳадиси шарифлардан бир юз йигирма саккиз бобда уч юздан ортигини келтирганлар. Лекин имом Бухорий бу билан кифояланмай, «Жомеъус-саҳих»га ўзларига етиб келган бошқа ҳадисларни ҳам қўшиб, «Ал-адаб ал-муфрад» номли китоб тасниф қилганлар. У киши бу мавзууни ўта муҳим ҳисоблаганларидан унга алоҳида китоб бағишлиашни лозим кўрган бўлсалар керак.

Бизнинг тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишига одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи аслида «маъдаба» ўзагидан олингандир. «Маъдаба» эса, одамларни даъват қолинган зиёфатни англатади. Одоб ҳам одамларни доимо даъват қилинадиган маънавий маъдаба – зиёфат бўлгани учун шу номни олган.

Имом Бухорийнинг ушбу “Ал-Адаб ал-муфрад” китоби ҳам жуда мўътабар ҳисобланади. Унда имом Бухорий фақат адабга оид 1322 та ҳадиси шарифни келтирганлар ва ўз одатларига биноан, уларни 644 та бобга бўлганлар. Бу китобда ижтимоий алоқаларга ва кишиларнинг ўзаро муомалаларига оид одобларга боғлик ҳадиси шарифлар келтирилган.

“Ал-Адаб ал-муфрад”да ҳам Имом Бухорий “Жомеъус-саҳих”даги услубни қўллаганлар. Баъзи ўринларда Қуръони карим оятларидан ҳамда саҳобаларнинг асарларидан ҳам келтирганлар. Яна таъкидлаб айтилиши лозим нарсалардан бири шуки, “Ал-Адаб ал-муфрад”да келган барча ҳадислар ҳам “Жомеъус-саҳих”даги ҳадислар даражасида эмасдир.

Кўпчилик олимларимизнинг таъкидлашларича, “Ал-Адаб ал-муфрад” китоби одоб ва ахлоқ бобида битилган энг яхши китоблардан биридир. Унда келтирилган одоб ва ахлоқларни ўзида мужассам қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун зарурдир. “Ал-Адаб ал-муфрад”ни имом Бухорийдан Аҳмад ибн Муҳаммад Баззор ривоят қилган. “Ал-Адаб ал-муфрад” китоби бир неча бор нашр этилган. Жумладан, Тошкентда ҳам 1970 йилда нашр қилинган. Мазкур асар замонамиз олимларидан Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан шарҳ қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилиниши энг юксак маънавий ютуқларимиздан ҳисобланади.

“Ал-Адаб ал-муфрад” китоби 1-24 боблар ота-онага яхшилик қилиш ҳақида келган ҳадислардан иборатdir. Ундан кейин қариндошлиқ риштасини боғлаш, сўнгра ёш болага оид Ҳадисларни келтирган. Ундан кейин одоб-ахлоқнинг барча турларини қамраб олган Ҳадислар келтирилган. Асар ёмон кўришнинг заарлари ҳақидаги Ҳадис билан ниҳояланган.

Хозирги даврда жаҳонда глобаллашув жараёнлари кундалик ҳётимизга тез суръатлар билан ҳамма соҳаларда кириб келиши ижтимоий, сиёсий ва иктиносий тараққиётимизда давлатлар, минтақалараро боғланишимизда ижобий таъсир



кўрсатаётган бўлсада, лекин иккинчи томондан бу жараён хозирги шароитда мафкуравий таъсир кўрсатишининг ўткир қуролига айланиб бормоқда. Бу эса Ғарбдаги ҳар-хил сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қилиб “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий беҳаёлик, ўзини бошқалардан юқори қўйиш, ўта кетган худбинлик ғояларини тарқатишини мақсад қилиб қўйиб бошқа халқларнинг шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам кўп минг йиллик маънавий, маданий ва диний қадриятларига беписандлик қилиб, улардан воз кечишга унダメоқда. Аслида “оммавий маданият” соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Хусусан, бизнинг заминимизда туғилиб ўсан, жаҳон маданияти ва цивилизатсиясига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз қолдирган мерос бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Халқимизнинг гўзал маънавий қадриятларга йўғрилган орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё каби тушунчалари ҳаётимизга сингиб кетган. Айниқса, ота-онага хурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари туйғуларимиз бутун дунё халқларини ром этиб келади.

Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолотга еришишида ҳадисларнинг ўрни бекиёс еканлиги ва жамиятга фойдаси тагадиган шахс бўлиши учун хушмомила ва хушфеъл бўлиши керак деб айтилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу унҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта Аллоҳ сизлардан уч нарсага рози бўлади ва уч нарсага ғазаб қиласи: Унинг ўзигагина ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигингизга ва Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутишингизга, ҳамда Аллоҳ ишингизга бошлиқ қилиб қўйганларга насиҳатлашишингизга рози бўлади. Бўлар-бўлмас гапни нақл қилишиб юрмоғингизга, кўп савол бераверишингизга ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга ғазабланади”, дедилар.

“Ал-Адаб ал-муфрад” китобида оддий ижтимоий ҳолат нисобланган лаломлашиш маданияти нақида ҳам ибратли никоялар баён етилган.

“Саломлашиш” одобнинг ilk кўриниши ҳисобланади. Инсоннинг хулқ-автори ва гўзал фазилатларини, унинг серсаломлиги акс эттиради. Салом инсонлар орасида бевосита алоқа боғловчи сўздир. Салом берганда унга нисбатан алик олиш, бу инсонларнинг бир-бирига бўлган хурматидир. Ҳадиси шарифда келтирилишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Аллоҳ таоло Одам алайҳи васалламни яратди, унинг бўйи 60 зироъ эди. Аллоҳ унга: Бор, анави бир гуруҳ малоикаларга салом бер ва уларнинг жавобларини эшишиб ол, бу сенинг ва зурриётларингнинг саломи бўлади, деди. У (Одам алайҳи васаллам фаришталарга): “Ассалому алайкум”, деди. Фаришталар: “Ассалому алайка ва раҳматуллоҳ”, деб жавоб бердилар.



Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Саломни ошкора қилинглар (орангизда ёйинглар) саломат бўласизлар”, дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳу айтдилар: “Расули Ақрам соллаллоҳу алайҳи васаллам “Жаннатга киролмайсиз мўмин бўлмагунингизча, мўмин бўла олмайсиз то бир-бирларингизни яхши кўрмагунингизча. Бир-бирингизни яхши кўрадиган бир нарса ўргатайми?” дедилар. “Албатта, эй Аллоҳнинг Расули”, дейишди. Ул зот: “Орангизда саломни ошкор қилинг (кенг ёйинг)”, дея марҳамат қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳу айтдилар: Абу Ҳурайра розияллоху анҳу айтдилар: “Расули Ақрам соллаллоҳу алайҳи васаллам “Раҳмонга ибодат қилинг, (корни очларни) таомлантиринг, саломни кенг ёйинг, жаннатга кирасизлар”, дедилар

Жобир розияллоху анҳу “Отлик пиёдага, пиёда эса, ўтирганга салом беради. Пиёда юрганларнинг ичида афзали эса, биринчи бўлиб салом берганидир”, дедилар.

Ислом шариати катталарни улуғлайди ва мусулмонларга ҳам катталарни улуғлашни таълим беради. Ёши катта бўлсин ё мансаб-мақоми катта бўлсин барибир, у Ислом ардоғида бўлади. Ислом катталарга катталик ҳурматини белгилаган ва кичикларга уни тан олиш вазифасини юклаган. Шу нуқтаи назардан Исломда улуғланганларни улуғлаганлар шариатни ва унинг Эгаси бўлган Аллоҳни улуғлаш бўлади.

Абу Мусо ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Соч-соқоли оқарган мусулмонни улуғлаш, Куръонга (ботил таъвиллар ила) чуқурлашмаган ва (амалсиз) ташлаб қўймаган қориларни улуғлаш, адолатли султонни улуғлаш Аллоҳни улуғлаш турларидандир” (Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад 357).

Мазкур ҳадисни имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ “Ал-Адаб ал-муфрад” асарида “Ёши катталарни улуғмоқ ҳақидаги БОБ”да келтирган. Имом Бухорий ҳазратларининг бу асарда шундай боб қўйишларининг ўзи алоҳида эътиборга молик. У киши бу билан нима демоқчи, у киши: “исломда катталар ардоқланади, Аллоҳ ёши катта мусулмонларни улуғлайди ва кичикларга ҳам катталарни улуғлашни амр қиласди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам катталарни ҳурматини жойига қўяр эдилар. Бу иш Расулуллоҳнинг суннати эди. Саҳобалар ҳам бу суннатга садоқат билан амал қилишган. Саҳобалардан таълим олган тобеинлар ҳам катталарнинг каталик ҳурматини ўрнига қўйишар эди. Шундай экан, биз ҳам Исломдаги бу суннатга садоқатла амал қилмоғимиз лозим” – демоқчи бўлган бўлсалар ажабмас.

Ростгўйлик – эзгу хулқларнинг посбони бўлиб, ўзини ҳақиқий мўмин- мусулмон ҳисоблаган инсон ҳеч қачон ёлғон сўзламайди ва ҳеч кимни алдамайди ҳам. Негаки, ислом динининг муқаддас манбаи бўлган Куръони каримнинг аксарият оятлари ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуда кўплаб ҳадиси шарифларида ростгўйликка тарғиб қилинади, ёлғондан қайтарилади.

Имом Бухорий ҳазратлари “Ал-адаб ал-муфрад” асарида Абдуллоҳ ибн Масъуддан қўйидаги ҳадисни баён қиласдилар: “Набий (а.с): рост гапиринглар, чунки



ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурида жуда ростгўй (сиддик) деб ёзилиб қолади. Ёлғон гапиришдан ўзларингизни сақланг, чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради, бузуқлик эса дўзахга йўллайди. Киши ёлғон гапираверса, Аллоҳ ҳузурида ёлғончи бўлиб ёзилиб қолади”, деганлар. Ушбу ҳадисдан ростгўйликнинг ҳам даражаларга эга экани келиб чиқади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келмасидан ҳам илгари шу даражада ростгўй эдиларки, қабиладошлари У зотга “амин (ишончли)” деб ном берган эдилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ал-Адаб ал-муфрад” китоби мусулмон умматининг дастурул амал қилиб, суянадиган одоблар мажмуасидир. Бу асарни Имом Бухорий таълиф қилгани янада аҳамиятини оширади. Бугунги маънавиятда бўшлиқ пайдо бўлган даврда ёшлар мағкурасини бу асарда келган маънолар билан бойитилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бундан ташқари “Ал-Адаб ал-муфрад” китобида одов-ахлоқ борасида жуда кўп ҳадислар келтирилган. Зоро, хар бир мусулмон инсон борки, ўзига чиройли одобни, ахлоқни лозим тутса, икки дунё баҳту-саодатига мушарраф бўлади. Мана шундай асарларни мutoала қилиб, инсон ўзи қандай ҳаёт кечириши лозимлигини англаб етайлик.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Имом Бухорийнинг сийратлари. Islom.uz
2. Маҳмудов. Қ. Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-Муфрад” асари асосида оммавий маданиятга қарши маърифий курашиш. Bukhari.uz.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-адабу-л-муфрад. Байрут. Дору-л-башоири-л-исломия, 1989. –Б.158
4. Шодиева Моҳира. Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-муфрад” асарида саломлашиш одоби ва унинг фазилатлари. Bukhari.uz.
5. Тожибоев Ботиржон. Kattalarni ulug`lamoq - alohni ulug`lamoq.  
<http://ahlisunna.uz/>
6. Усмонов Азамат. Ростгўйлик - азизлик, ёлғончилик - хорликдир.  
<https://xojabuxoriy.uz/?p=1736>.